




ИНСОН ҚОНУН ва

22 сентябрь 2020 йил / № 37 (1241)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



6-БЕТ



АЖРАЛИШ —
СЎНГИ БЕКАТ ЭМАС... 7-БЕТ

МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТНИ
"ЎТКАЗИШГА" УЯЛМАДИНГИЗМИ? 8-БЕТ

МАШАҚҚАТЛИ КАСБНИНГ
МАШҲУР ОДАМЛАРИ 8-БЕТ



Барча оворагарчиликларга чек қўйилади, вақтингиз ва нақдингиз тежаллади

Биз учун муҳими — ХАЛҚ ИШОНЧИ!

Давлатимиз раҳбарининг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улугвор ғоясини ҳаётга татбиқ этиш учун ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги халқнинг ишончини қозониб улгурди.

Давлат хизматлари марказлари орқали 2018 йилгача бўлган даврда фақат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда ушбу хизматлар сони 150 турга яқинлашди.

2017 йилда тадбиркорларга 170 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари кўрсатиш бўйича 20 миллиондан ортиқ мурожаатлари қабул қилинди.

Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига доир 80 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди, давлат хизматлари кўрсатишга оид 60 дан ортиқ маъмурий регламентлар қабул қилинди. Натижада талаб этиладиган ҳужжатлар сони 164 тадан 78 тага камайtirилди, хизмат кўрсатиш муддати ҳам 415 кундан 217 кунга қисқартирилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун экстерриториаллик тамойили йўлга қўйилди, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида онлайн ҳисобрақам очиш имконияти яратилди, муҳр ва штампдан фойдаланиш талаби ва устав фондига қўйилган минимал талаблар бекор қилинди. ФХДЭ органларининг мавжуд 60 миллионга яқин архив маълумотларининг 74,8 фоизи рақамлаштирилди. Ташриф буюрувчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Давлат хизматлари марказларининг 100 га яқин инновацион бинолари фойдаланишга топширилди, шунингдек, 68 та давлат хизмати марказлари филиаллари ташкил этилди.

Олис ҳудудда яшаётган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида сайёр давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунинг учун 189 та "Дамас" автомобиллари ва 20 та махсус жиҳозланган "Исузу" автобуслари ажратилиб, ҳозирги кунга қадар 500

мингга яқин сайёр хизматлар кўрсатилди.

Энг муҳими, агентлик тизимида коррупцияга йўл қўймаслик мақсадида тизимда фақатгина ҳалол ва пок ходимлар фаолият юритиши таъминланмоқда. Хусусан, республика бўйича 1438 нафар ДХМ ходими навбатдан ташқари аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиб, 260 нафар марказ ходими эгаллаб турган лавозимига нолойиқ, деб топилиди ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Агентликнинг "Facebook" ижтимоий тармоғида расмий саҳифаси очилди, "Ишонч телефони" (1148) ва @davxizmatloqa_bot қайта алоқа телеграм канали ташкил этилди. Биргина "1148" қисқа рақамли "Ишонч телефони" ва @davxizmatloqa_bot қайта алоқа телеграм канали орқали ўртача бир кунда 400-500 га яқин жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қабул қили-

ниб, реал вақт режимида тезкорлик билан муносабат билдирилмоқда.

Янги орзулар, янги истиқболли режаларимиз ҳам кўп.

Хорижий давлатларда илмий унвонлар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини янада соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бугунги кунда хорижий давлатларда илмий унвонлар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича талабгорлар узоқ масофадан Олий аттестация комиссиясига келиб кетишига тўғри келмоқда.

Расмий ҳужжатларни тан олиш ва уларга тан олинганлик белгисини қўйиш (апостиль) бўйича давлат хизматини янада такомиллаштириш, апостиль қўйиш тизимини ягона тармоққа бирлаштириш ҳамда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматидан электрон фойдаланиш имкониятини яратиш.



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Давлат хизматлари агентлиги
директори

Давлат
Хизматлари
Агентлиги

hudud24

БИЗ СИЗГА
ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ
АХБОРОТ ЕТКАЗИШДАН
МАМНУНМИЗ!

Сайтга ўтиш

www.hudud24.uz

5-БЕТ

Газетамизнинг ушбу сониди Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармалари масъулларининг турли йўналишлардаги фидокорона меҳнати ёритилган материалларни тайёрлашда яқиндан ёрдам берганлиги учун ДХА директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Севара ЗАКИРОВАга миннатдорлик билдирамыз.

Тадбиркорлар доимо эътиборимизда!



Казбек АРТЫКОВ,
ДХА Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси
бошлиғи.

— БОШҚАРМАМИЗ томонидан аҳолига сифатли ва тезкор давлат хизматлари кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган саккиз ой давомида жами 450 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Шундан, 8104 та тадбиркорлик субъекти янги давлат рўйхатидан, 2872 та тадбиркорлик субъекти қайта давлат рўйхатидан ўтказилди.

Фуқароларнинг давлат хизматларига бўлган эътиёжларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиладиган хизмат турлари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг билан бирга марказга келишга имконияти бўлмаган фуқароларимизнинг олисини яқин қилиш, уларнинг вақтини ва харажатини тежаш мақсадида сайёр

давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Сайёр хизматлар кўрсатиш давомида олис хуудлар аҳолиси учун 25 320 та хизмат кўрсатилди.

Президентимиз томонидан давлат хизматлари марказлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни замонавий бинолар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларга ва марказга ташриф буюрувчиларга қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг бошида Қонлиқўл тумани Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилган бўлса, орадан кўп вақт ўтмасдан, Беруний туманида, мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами арафасида Тахтақўпир

туманида ҳам мана шундай замонавий бинолар фойдаланишга топширилди. Ушбу марказларда сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг ишларини қулай ва тез ҳал қилиш бўйича барча имкониятлар яратилган. Шу билан бир қаторда замонавий архитектура намунасидаги бинолар Бозатаў, Шуманой ва Тўртқўл туманларида ҳам битказилиб, яқин кунларда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатиш тизимининг изчил жорий этилиши, биринчи навбатда, аҳолининг турмуш даражасининг, инвестиция ва ишчанлик фаолиятининг яхшилашига, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига катта қулайлик яратади.



Махмуд АБДИЖАЛИЕВ,
ДХА Андижон вилояти
бошқармаси бошлиғи.

ФХДЁ архив хужжатлари тўлиқ электрон кўринишга ўтказилмоқда

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2018 йил 12 июндаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан "Ягона электрон ФХДЁ архиви" ахборот тизими яратилган. Ҳозирда уни юритиш ва ФХДЁ органларида сақланган фуқаролик ҳолати далолатномалари ўзувларини рақамли кўринишга ўтказиш ҳамда ягона электрон ФХДЁ архив фондиди шакллантириш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда.

Вилоятимиздаги ФХДЁ органлари архивида жами 5 миллион 92 минг 810 дона далолатнома ўзувлари мавжуд бўлиб, шу кунга

қадар "ФХДЁ ягона электрон архиви" базасига 3,5 миллионга яқин далолатнома ўзувлари киритилиб, хужжатларнинг электрон кўринишга ўтиши таъминланди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда архивариус штати ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар олиб келинди ҳамда махсус ахборот тизими ишга туширилди. Ҳозиргача Хонобод шаҳри, Бўстон, Улуғнор туманларида рақамлаштириш ишлари тўлиқ якунига етказилди.

Маълумки, 2020 йил 4 августда Президентимизнинг "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

имзоланган эди. Унга кўра, 2021 йилнинг 1 январига қадар "ФХДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимининг ФХДЁ органлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланган хужжатларнинг электрон базаларини шакллантириш таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, Давлат хизматлари агентлигига 1 январга қадар "ФХДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимининг фуқаролик ҳолати далолатнома ўзувларига фуқароларга тегишли бўлган шахсий идентификация рақамини бириктириш орқали ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилишини таъминлаш вазилиши юклатилган.



Қайим ХОЛОВ,
ДХА Бухоро вилояти бошқармаси
бошлиғи:

Йўловчи ва юкларни ташиш фаолияти энди пайсалга солинмайди

— ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги "Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти"га биноан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб автомобиль транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва лицензия қарточкаларини электрон шаклда расмийлаштириш тизими тўлиқ ишга туширилди. Янги тизимнинг афзаллик жиҳатлари нимада, янги тартибда мuddатлар қанчага қисқарди?

Янги тартибга кўра, давлат хизматлари марказига шахсан бориб мурожаат қилинганда сўровнома тўлдирилгандан кейин бир соат мобайнида сўровнома лицензияловчи органга юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса мурожаат автоматик тарзда лицензияловчи органга келиб тушади.

Лицензияловчи орган томонидан ижобий қарор мавжудлиги ва тўловлар тўланганидан сўнг лицензия ҳамда лицензия варақаларини расмийлаштириш 1 иш куни мобайнида бажарилади. Умумий ҳисобда барча жараёнлар учун 2 иш куни мuddатда вақт кетади.

Мурожаатчиларга қандай қулайликлар яратилди?

Ушбу маъмурий регламентга мувофиқ энди юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун фақат жойлардаги ДХМ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиладилар. Барча маълумотлар алмашинуви тўлиқ электрон кўринишда амалга оширилади.

Хужжатларни тақдим этиш жараёнида қандай ўзгаришлар бўлди?

Давлат идоралари томонидан ортиқча маълумотларни талаб қилиш амалиётига чек қўйилди. Бундан ташқари, Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти тўғрисида доимий назоратни амалга оширади ва мониторинг олиб боради.



Бобур УМУРЗАКОВ,
ДХА Жиззах вилояти бошқармаси
бошлиғи:

Энди ҳеч ким сарсон бўлмайди

— УЧ йил муқаддам Президентимизнинг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Давлат хизматлари агентлиги ҳозирги кунда давлат хизматлари марказлари орқали 143 турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Агентлик томонидан 2020 йилнинг охирига қадар хизматлар сонини 160 тага етказиш режалаштирилган.

Юртодшларимизга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб барча хизматлар экстерриториал тамойил бўйича йўлга қўйилди, яъни фуқаролар исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказлари мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Карантин даврида ҳам давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари, қолаверса, ФХДЁ органлари изчил фаолият юритди.

Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида жисмоний ва юридик

шахсларга жами 99 минг 141 та давлат хизматлари кўрсатилган. Хусусан, жорий йилда 6 минг 277 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу ўтган йилга нисбатан 6 ярим марта кўп демакдир.

Шунингдек, ушбу йилда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали бериш тартиби жорий этилди. Онлайн аукционлар ДХМларда ташкил этилган "Э-аукцион" майдончаларида ўтказилмоқда.

Шу пайтгача бола туғилганда суюнчи пули ёки дафн этиш нафақаси тайинлашни сўраб пенсия жағфармасига мурожаат қилинар эди. 2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб фуқаролар фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ва дафн маросими учун нафақа тайинлаш, шунингдек, пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатидан мавжудлиги ҳақида ҳамда пенсия ва нафақа миқдори тўғрисида маълумотномаларни давлат хизматлари марказига бориб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали олишлари мумкин.

Шаффоф хизмат ва илтифот тизим имиджига айланди



Баходир ТОШЕВ,
ДХА Навоий вилояти
бошқармаси бошлиғи:

— ДАВЛАТ хизматлари агентлиги... Бу тизим халқ орасида тез тилга тушди, кўнгилларга жуда тез яқинлашди. Шунчаки эмас, шаффоф ва тезкор, қўлай хизмати туфайли, албатта. Айниқса, чет эллик ҳамкорлар учун бу гоятда қўлай бўлдики, бизнес фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказишга маҳаллий ҳамкорлар каби хориклик ишбилармонларга ҳам узоғи билан 20 дақиқа вақт kifоя. Марказларимизда эса чет эл бизнес вакиллари учун "яшил йўлак" тамойили асосида амалга оширилаётган хизмат, муомала ва илтифот тизим имиджига айланган.

Навоий шаҳрининг ўзидаёқ жорий йил хисобидан 30 нафардан ортик турли йўналишда кўшма корхоналар очган инвесторларга давлат хизмати кўрсатилди. Вилоят бўйича бу рақамлар 83 тани ташкил этади.

Шу кунгача жуда кўп соҳаларда кўшма корхоналар барпо этилди. Америка, Германия, Голландия, Швеция, Корея, Хитой, Хиндистон, Туркия, Эрон сингари давлатлар курилиш, саноат, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бир қатор йўналишларда сармоялар киритиб, ҳамкорликни бошлаб юборганлар. Жумладан, Америка фуқароси Томас Исен Исаҳ юртимиздан доғли ва дуккакли экинлар, шולי, полиз, сабзавотларни ҳаво юк транспорти орқали хорик давлатларига экспорт қилиш учун "OVERSEAS FOURWAYS ENTERPRISES" маъсулияти чекланган жамиятига асос солиб, уни давлат рўйхатидан ўтказди. Демак, Навоийдан бугундой, шולי, полиз ва сабзавотларимиз дунё бозоридоғи талабгор мамлакатлар учун айнан ҳаво юк транспорти орқали етказилади.

Худди шундай америкалик тадбиркор Марк Энтони Уинтерс Навоий шаҳрида замонавий тиббиёт клиникасини очиш учун ўз бизнесини расмийлаштирди. Кармана туманида сутни қайта ишлаш заводи барпо этаётган грециялик тадбиркорлар "MINOAS" маъсулияти чекланган жамият шаклидоғи хорикий корхонага асос солдилар. Худудда корейлик ҳамкорлар автомашиналарга газ баллонлари ишлаб чиқарадиган саноат корхонаси йўлга қўйишган бўлса, Конимехда туркиялик ҳамкорлар йирик фабрикаларга асос солдилар, Қизилтепада эронлик ҳамкорлар гилам тўқиш цехларини очдилар, Нуротда мармарга ишлов берувчи Хиндистон, Корея, Хитой мамлакатларининг унлаб кўшма корхоналари ўз бизнесини давлат рўйхатидан ўтказди. Бундай ҳамкорликни ҳар бир соҳада учратиш мумкин.



Илҳомжон Абдусатторов,
ДХА Наманган вилояти
бошқармаси бошлиғи:

Энди марказга бориш шарт эмас

— ДАВЛАТ хизматлари агентлиги томонидан Наманган вилояти туман ва шаҳар марказларидан олис худудларда ташкил этилаётган филиаллар барча зарурий жиҳозлар ҳамда замонавий техника воситалари билан таъминланган. Ҳозирда мазкур филиалларда 140 га яқин хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги аҳоли ва тадбиркорларни мамнун этмоқда.

Давлат хизматлари агентлиги аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш баробарида уларга бир қатор қўлайликларни ҳам яратиш устида тиним билмай ишланишлар олиб бормоқда. Бундан кўз-

ланган мақсад эса битта, бу ҳам бўлса, одамларни рози қилиш ва уларга қўлай вақт режимида хизмат кўрсатишдир.

Наманган шаҳрининг "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини ва унга ёндош бўлган маҳаллаларда яшовчи аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиш учун шаҳар марказидаги давлат хизматлари марказига келишга мажбур бўлар эдилар. Ёки ойда икки марта марказ ходимлари томонидан уларга сайёр давлат хизматлари кўрсатилар эди. Бундай овозгарчиликларга чек қўйиш, аҳолининг вақтини ва нақдини тежаш мақсадида барча қўлайликлар-

га эга "Орзу" филиали фаолияти йўлга қўйилиб, аҳолининг узоғини яқин қилишга эришилди.

Ҳозирги кунда эса Янгиқўрган туманининг "Нанай" ҳамда Наманган шаҳрининг "Орзу" филиаллари аҳолига 140 га яқин давлат хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўтган 9 ой давомида "Нанай" филиалида 1490 та хизмат кўрсатилган бўлса, "Орзу" филиалида эса 450 нафар фуқарога беминнат хизмат кўрсатилди. Яқин кунларда Учқўрган туманининг "Қўғай", Поп туманининг эса "Истиклол" филиалларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.



Мақсуд ҚУРБОНОВ,
ДХА Самарқанд вилояти
бошқармаси бошлиғи:

МИЖОЗЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ АСОСИЙ ТАЛАБИМИЗ

— Давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, фаолиятини мониторинг қилиш, ходимлар малакасини баҳолаш ҳам алоҳида назорат остига олинган.

Бошқармада Кадрлар сиёсати ходимлар ўртасида таъмағирлик, порахўрлик ҳамда қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка қаратилган. Бугунги кунда вилоятимизнинг туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларида 151 дан ортик, ФХДЁ бўлимларида 84 нафар ҳамда вилоят ФХДЁ архивида 6 нафар ходимлар халқимиз хизматида.

"Сирли мижоз" усулидаги жамоатчилик мониторинги тизимдаги камчиликларни аниқлашда энг самарали этиб баҳолашиб, Давлат хизматлари агентлигида кенг қўлланилади.

Маълумот учун, "сирли мижоз"лар — бу давлат хизматларининг оддий "фойдаланувчиси" сифатида ташриф буюриб, уларнинг тақдим этилиши ҳақида маълумот йиғувчи ва сифатини баҳоловчи шахслар.

Бошқарма томонидан 2020 йил 10 сентябрь ҳолатига ДХМ ва ФХДЁ бўлимларида жами 13 мартаба "сирли мижоз" ва "рейд" тадбирлари ўтказилди. Натижада 128 нафар ходим оғохлантирилди. 17 нафар ходимга "ҳайфсан", 3 нафар ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима интизомий жазоси қўлланилди ҳамда 1 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

"Сирли мижоз"лар томонидан ўрганилган маълумотлар Давлат хизматлари марказлари фаолиятида мавжуд бўлган камчиликлар ва тўсиқларни аниқлашга, уларнинг чуқур таҳлили эса муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўз навбатида, меҳнат фаолиятида, яъни мижозлар билан ишлашда муомала маданияти юксак, шижоаткор ва ташаббускорлиги ҳамда меҳнатсеварлиги билан ўзини кўрсатган марказ ходимлари рағбатлантириб борилмоқда.



Бекзод АРТИКОВ,
ДХА Сирдарё вилояти бошқармаси
бошлиғи:

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУВОНЧУ ТАШВИШИГА ШЕРИКМИЗ

— БАРЧАМИЗГА маълумки, жорий йилнинг 1 май куни Сардоба суви омборида техноген вазият юз берди. Талафот натижаларини бартараф этиш бўйича Давлат хизматлари Сирдарё вилоят бошқармасига тошқиндан зарар кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод тумани аҳолисининг яроқсиз аҳволга келиб қолган ва йўқолган туғилганлик, никоҳ ва ўлим гувоҳномаларини тиклаб бериш вазифаси топширилди.

Топшириқ ижроси юзасидан 24 та маҳалла аҳолисининг йўқолган ҳужжатларини тиклаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги Давлат хизматлари марказлари томонидан Сардоба воқеаси туфайли фуқароларнинг йўқолган ҳужжатларини тиклаб бериш учун аҳоли билан бевосита суҳбатлар ўтказилиб, ҳужжатни тиклаш ҳақидаги аризалар олинди. Таъкидлаш жоизки, тадиқотлар жараёнида алоҳида ажралиб турувчи турфа тақдир эгалари билан ҳам бирма-бир суҳбатлар ўтказилди.

Жумладан, сув тошқини сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган ҳужжатлари йўқолган фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида бир оиланинг 16 йилдан бери шаръий никоҳ асосида яшаб келаётганлиги аниқланди. Эр-хотин Гулсара Полвонова ва Махмуд Салимовларнинг ҳам 50 ёшдан ошганлиги ва Халқаро оила куни муносабати билан ушбу оиланинг никоҳи қонуний расмийлаштирилиб, никоҳ гувоҳномаси тантанали равишда топширилди.

— Турмуш ўртоғим вафот этгач, уч бола билан қолдим, — дейди Гулсара опа. — Тақдир экан, худди ўзим каби турмуш ўртоғи вафот этиб, уч нафар ёш боласи бор инсон билан ҳаётимни боғладим. Биргалашиб олти фарзандни оёқга қўйдик, тўйлар қилиб, уйли-жойли қилдик. Йиллар ўтиши билан эр-хотин бир-бирига суяниб қоларкан, шунгами, никоҳимизни

қонунийлаштиришга унчалик ҳам эътибор бермаган эканмиз. Қарангки, ҳар ишда бир ҳикमत бор, деганларидек, сув тошқини баҳона бўлиб, қонуний никоҳимиз Гулистон шаҳар Никоҳ уйи томонидан ҳеч қандай тўловларсиз расмийлаштирилиб берилди.

Юртимиздаги пандемик вазият сабабли эвакуация худудларида вақтинча яшаб турган сардобалик болажонларга қувонч улашиш ва кўнгилларини кўтариш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги Сирдарё вилоят бошқармаси ҳамда Гулистон шаҳар Никоҳ уйи томонидан Олимпия захиралари коллежида тадбир ташкил этилди.

— Менга бугун туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамни беришди, — дейди тадбир иштирокчиси Фотима Тожибоева. — 14 ёшимда иккинчи марта гувоҳнома олганим сира ёдимдан чиқмас керак. Яна бизга ўқув қуроллари тўпلامини ҳам совға қилишди, бундан жуда миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, халқимизнинг офирини энгил, узоғини яқин қилишга бел боғлаган Давлат хизматлари агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан бугунга қадар 2706 та туғилганлик, 790 та никоҳ, 94 та ўлим, 9 та никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома, жами 3599 та тикланган ҳужжатлар ўз эгаларига топширилди. Тикланган ҳужжатларини олган юртдошларимизнинг кўзларидаги эртани кунга ишонч ва миннатдорлик ifодаси эса ҳар биримизнинг кўнглимизда фахр уйғотиши шубҳасиз.

Бюрократ ва лоқайд ходимларга орамизда жой йўқ!



Абдумўмин РАҲМОНОВ,
ДХА Сурхондарё вилояти
бошқармаси бошлиғи:

— Фуқароларга осон ва тезкор давлат хизматларини кўрсатиш, бу борада учраётган муаммоларга ечим топиш, жараёнда юз бериши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш — бугуннинг асосий вазифаларидан саналади. Зеро, ҳар бир соҳада хизмат кўрсатишнинг аниқ вақти ва тартиби белгилаб берилган.

Масалан, “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандида “Давлат хизматлари марказлари, комиссия ҳамда масъул ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат

идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, шунга қарамай, ҳамон айрим масъул ташкилотлар томонидан қонунда белгиланган тартибдан қонунчиликнинг талабларини қўйишнинг аниқ вақти ва тартиби белгилаб берилган.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсақ, жорий йилнинг ўтган охирида давлат хизматларини кўрсатиш тартибини бузишга оид жами 1467 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Аниқланган

қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ушбу идораларга 6 та тақдимнома, 19 та огоҳнома киритилиб, 149 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган. Дарвоқе, расмийлаштирилган маъмурий баённомаларнинг 37 таси юқорида келтириб ўтилган субсидия олиш юзасидан юборилган сўровларга ўз муддатида жавоб бермаган масъулларга нисбатан қўлланилган.

Шуни унутмаслик керакки, давлат хизматлари кўрсатишга доир ҳар қандай эътиборсизлик, бюрократик тўсиқ ва сансалорликларга йўл қўйганларга жавобгарлик муқаррар.



Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
ДХА Тошкент вилояти
бошқармаси бошлиғи:

БИЗ ИСТАДИК: ОЛИС МАНЗИЛ ЯҚИНЛАШДИ

— БУГУН давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги bosқичга кўтарилиб, Давлат хизматлари кўрсатишнинг янги тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди, десак, хато бўлмайди. Халқнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга, уларга қулайлик яратиш ва давлат хизматларида шаффофликни таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тури 143 тага етиб, аҳолига 500 мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилди.

Яратилган қулайликлардан бири, марказ ходимлари олис ва чекка ҳудудларда бўлиб, мунтазам равишда фуқаролар мурожаатларини жойида ҳал этиш мақсадида сайёр (мобил) хизмат кўрсатяпти. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида ижтимоий масофани сақлаш талаб этилаётган вақтда бу нечоғлик муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, Марказдан олис ҳудудлар аҳолисига сайёр хизматлар кўрсатиш борасида ҳам мунтазам равишда мобил давлат хизматлари кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар ходимларимиз томонидан 3 мингга яқин сайёр хизмат кўрсатилди, лекин ҳар доим ҳам чекка қишлоқларга боришнинг имкони йўқ. Шу боисдан, бугун туман марказларидан олис бўлган қишлоқлар аҳолисининг давлат хизматларидан тезкорлик билан фойдаланишини таъминлаш мақсадида Давлат хизматлари марказларининг шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Бундай масканлар қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳаётини яхшилашга ва уларнинг хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга бевосита ҳисса қўшади.

Айни кунда Тошкент вилоятида 3 та, Ангрэн шаҳрида “Қизил тоғ”, Қўйи Чирчиқ туманида “Қушк” ва Чиноз туманида “Тонг юлдузи” филиали фаолият олиб бормоқда. Тез кунда Бекобод ва Бўстонлиқ туманларининг олис ҳудудларида ҳам марказимиз шохобчалари очилиши режалаштирилган.

Шохобчаларимиз қулайлигини кўз олдинга келтиришнинг учун бир мисолни айтиб ўтсам. Ангрэн шаҳридаги Қизилтоғ (Красногорск) шаҳарчасида 4 та маҳалла бўлиб, 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Биргина ичимлик сув, электр энергияси, табиий газга уланиш учун техник шарт олиш ёки солиқ, ички ишлар идораларидан маълумотномалар олиш учун 100 чақиримдан ортиқ масофа босиб, марказга боришга тўғри келади. Аммо Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига сайёр хизмат кўрсатилаётгани бу каби оворагарчиликларга чек қўймоқда. Халқнинг узогини яқин, мушкулни осон қилиш учун ҳатто марказдан анча олис ҳудудларда ҳам аҳолининг давлат хизматига бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилмоқда. Ангрэн шаҳар Давлат хизматлари марказига карантин вақтида шаҳарча аҳолисидан 17 минг 138 та мурожаат келиб тушган. Ана шу вақт мобайнида марказимиз ходимлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 2 минг 875 та давлат хизмати кўрсатилди. Бошқача айтганда, юртдошларимизнинг вақти ҳам, нақди ҳам тежалмоқда.



Санжар АБДУЛЛАЕВ,
ДХА Тошкент шаҳар
бошқармаси бошлиғи:

МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА, МУАММОГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

— ТОШКЕНТ шаҳрида фаолият юритаётган 11 та Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилнинг бошида жами 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 142 га етди (қарийб 3 баравар). 2020 йилда Марказлар орқали 170 дан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматларнинг маъмурий регламентлари (давлат хизматлари кўрсатиш тартиби)ни ишлаб чиқиш яқини бўйича давлат хизматлари кўрсатилишида сансалорликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида талаб этиладиган ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилишига эришилди.

Соҳада хизмат кўрсатиш сифат даражасини кўтариш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, хорижий давлатлар тажрибаси мунтазам равишда ўрганилиб, соҳани ривожлантириш учун татбиқ этилмоқда:

Бошқариш, ходимлар фаолиятини баҳолаб бориш ҳамда хизмат кўрсатиш самарасини автоматик тарзда тахлил қилиб бурувчи “ақлли” тизими жорий этилди;

Давлат хизмати кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир вақтда, қатор муаммолар ҳам мавжуд. Масалан:

- давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли давлат органлари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши;
- ваколатли давлат органлари ахборот тизимларининг мавжуд эмаслиги;
- шакллантирилаётган маълумотлар, шунингдек, архив маълумотларининг машинада ўқилмайдиган шаклда рақамлаштирилмаганлиги;
- маълумотлар базаларини ўзаро давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинуви тарзида йўлга қўйишга нисбатан қаршилик (ёки қўрқув)нинг мавжудлиги;
- соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортада қолаётганлиги, шунингдек, жойлардаги ижроичилар соҳада амалга оширилаётган исохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслиги;
- фуқаролар ўртасида онлайн хизматларга бўлган ишончнинг йўқлиги;
- электрон идентификация тизимларининг ривожланмаганлиги.

Хусусан, 2019 йил давомида Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ваколатли давлат органлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда 26 344 та қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилганлиги, қонунбузилишларнинг энг асосий қисми — 21 072 таси мuddат бузилиши, 1 558 таси асосий рад этиш ҳамда 2 070 таси эса бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари эканлиги аниқланди.

Қонунбузилиш ҳолатлари ваколатли давлат органлари ва соҳалар кесимида таҳлил этилганда, энг кўп қонунбузилиши Кадастр идоралари (8 411 та ҳолат) ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 5 183 та ҳолатда қурилиш органлари, 5 070 та ҳолатда маҳаллий ҳокимлар, 2 092 та ҳолатда мактабгача таълим бўлимлари, 2 046 та ҳолатда уй-жой коммунал

Буюк Британиянинг хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси асосида давлат хизматларини олишда наватни “Компанис хаус” компанияси илғор тажрибасига асосланган ҳолда тадбиркорлар бўлажак бизнес ҳамкорига оид, масалан, рўйхатдан ўтган вақти, устав жамғармаси миқдори, мусоаслар ҳақидаги маълумотларни онлайн режимда олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, ташриф буюрувчиларнинг наватини тартибга солиш ва уларга хизмат кўрсатишни баҳолаб бориш мақсадида Швециянинг “QMATIC” компаниясидан харид қилинган электрон нават ҳамда баҳолаш тизимлари Тошкент шаҳридаги барча туман (шаҳар)лардаги Марказларга ўрнатилди ва ушбу тизимни ўрнатиш ишлари bosқич-ма-босқич давом эттирилмоқда.

Хизмат кўрсатиш идоралари, 962 та ҳолатда ички ишлар органлари масъул ходимлари томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 221 нафар масъул шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган бўлса, юқори туровчи органларга 79 та тақдимнома, 62 та огоҳнома киритилган ҳамда прокуратура органларига 2 та жиноий тақлиф берилган.

Юқорида кўрсатилган рақамлар ваколатли давлат органлари раҳбарлари ва мутасаддиларининг халққа давлат хизматларини кўрсатишдаги муносабати ва қонун ҳужжатларига амал қилиш даражасини ҳамда давлат хизматчисининг ўз ишига ва халқига хизмат қилишдаги масъулиятини баҳолаб беради.

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Биз учун муҳими — ХАЛҚ ИШОНЧИ!

Давлат хизматларини тартибга солувчи маъмурий регламентларни қайта кўриб чиқиш ва натижалари бўйича давлат хизматларини кўрсатишда талаб қилинадиган хужжатлар, хизмат кўрсатиш вақти, ваколатли органлар иштирокини қисқартириш, шунингдек, композит хизматларни жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Битта ариза билан бир нечта хизматларни олиш бўйича энгилликлар яратилади.

Экстерриториал тартибда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини босқичма-босқич кўпайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини аҳолига давлат хизматларини тақдим қилишда фуқароларнинг доимий турган жойидан ёки вақтинча турган жойи бўйича

кўрсатилишини таъминлашни жорий қилиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Айни вақтда давлат хизматлари ягона реестридаги мавжуд 716 та хизматдан 140 таси экстерриториал тамойил асосида Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатишмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларга бевосита давлат органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини ҳам экстерриториал тартибда олиш имкониятларини яратиш лозим.

“Лицензия” ахборот тизимлари мажмуасини яратиш. Лицензиялаш ва рухсатнома бериш вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш вазифаларини бажаради ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга лицензия ва рухсатномаларни электрон, автоматлаштирилган, марказлашган

ҳолда рўйхатдан ўтказиш давлат хизматларини кўрсатади.

ISO 9001 ва ISO 27001 халқаро стандартлари асосида агентликда интеграцияланган бошқарув тизимини жорий қилиш. Дунё ҳамжамиятида агентликда сифатни бошқариш тизими жорий қилинганлигини, қалтисликлар бошқарилаётганлигини, давлат хизматлари кўрсатилиши учун ресурслар (бино иншооти, инфраструктура, инсон капитали, автотранспорт, интернет ва бошқа алоқа воситалари) етарлигини, фуқаролар муносабатлари ўз вақтида кўриб чиқиши ҳамда ахборот хавфсизлиги таъминланганлигини намоён қилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи давлат стандартларини ишлаб чиқиш. Мазкур давлат стандартларининг яратилиши ягона талаб асосида Давлат хизматлари кўрса-

тиш соҳасига тааллуқли бўлган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва интеграция қилишга хизмат қилади.

“Ситуацион марказ” яратиш. Республика миқёсида давлат хизматлари марказлари фаолиятини назорат қилиш, электрон навбат тизими, марказ операторлари иш самарадорлиги, фуқароларда марказларда юзага келадиган муаммоларни ечишда, талаби юқори бўлган хизматларни аниқлаш, давлат хизматларини оптималлаштириш имконини беради.

“ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизимининг блокчейн технологияси асосида модернизация қилиш. Мазкур лойиҳада блокчейн асосида яратилган модул ҳозирда фаолият қуритаётган “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизимига қўшимча модул ҳисобланади ҳамда унинг

асосий вазифаси ҳозирда ахборот тизимига хавфсиз киришни таъминловчи CISCO махсус қурilmаларидан фойдаланмасдан хавфсиз кириш имкониятини яратиш ва маълумотларни ўзгаришда барча иштирокчилар билан келишишни таъминлашдан иборат.

Фуқаролар фойдаланишига қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда (аэропорт, вокзал, метро бекатлари, савдо-кўнгилочар масканлар) интерактив инфокиоскаларни ўрнатиш.

Ушбу инфокиоскаларда бепул хизматлар билан бир қаторда, пуллик хизматлардан ҳам онлайн тарзда тўловни амалга ошириш имконияти яратилади.

Чин юракдан айтганда, биз учун энг муҳими — халқнинг ишончи. Ана шу ишонч учун ҳамisha хизматга тайёрмиз!

Сайёр мобил хизматлар: ЭНДИ САРСОН БЎЛМАЙСИЗ...



Раъно БОЙҚУЗИЕВА,
ДХА Фарғона вилояти
бошқармаси бошлиғи.

— ДАВЛАТ хизматлари марказлари ҳақида сўз борганда, тўғриси, янгиликлар ва улкан ўзгаришларнинг қайси биридан бошлашни ҳам билмай қоласан, киши. Барча қулайликлар жам бўлган Давлат хизматлари марказлари янги биноларининг бирин-кетин очилиши, 130 дан ортиқ хизматларнинг ташкил этилиши, ФХДЁ бўлимларининг Агентлик таркибига ўтказилиб бутунлай янги тизим пайдо бўлгани, хуллас, ҳаммаси муҳим, ҳаммаси қувонарли.

Лекин ҳаммасидан кўра, доимо давлат хизматлари борасида сайёр-мобил хизмат кўрсатиш менинг диққат марказимда

бўлган. Чунки хизмат кўрсатишда бу тизим мамлакатимиз тажрибасида бутунлай янгича ёндашув. Иккинчидан, жуда савобли иш. Тасаввур қилинг, вилоят ёки туман марказидан узоқ, жамоат транспорти қатнови қийин бўлган олис ҳудудлардаги фуқароларимиз оддий маълумотномани олиш учун борди-келдининг ўзига деярли бир кунни сарфлайди. Аслида марказда бу маълумотномани олиш учун бор-йўғи 5 дақиқа кифоя. Барча замонавий ускуналар билан жиҳозланган мобил автобусларда овул, дашт, чўлларда фуқаронинг огирини енгил қилиш ва уларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитиш эса инсонга ўзгача куч-ғайрат

бағишлайди. Ишга, касбга нисбатан меҳр ва шижоатимизни оширади.

Масалан, биргина Фарғона вилоятининг 19 та туман ва шаҳар Давлат хизматлари марказлари томонидан 2019 йил ва жорий йилнинг сентябрь ойига қадар фуқароларга жойларга ташриф буюрган ҳолда 88 мингдан ортиқ мобил хизматлар кўрсатилган. Жараёнлар давомида 2 минг 200 дан ортиқ тadbirkorлик субъектлари сайёр тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу эса шунча хонадон эгаларининг вақтини, нақдини тежаш дегани. Ва бу каби зғу ишлар фаолиятимизда бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Халқимизга нафимиз тегмаган кунни, УМРИМИЗ ҲИСОБИГА ҚЎША ОЛМАЙМИЗ



Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
ДХА Хоразм вилояти
бошқармаси бошлиғи.

— Маълумки, мамлакатимизда Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш, ҳар бир шаҳар ва туманларда замонавий архитектура ечимини, энг асосийси, ташриф буюрувчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитларни кўзда тутувчи янги биноларни қуриб фойдаланишга топшириш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоятимизда ҳам ушбу масала алоҳида назоратга олинган бўлиб, 13 та шаҳар ва туманнинг 11 тасида

Давлат хизматлари марказларининг янги бинолари давлат-хусусий шериклик асосида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шулардан 2 тасида қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилиб, жорий йилнинг октябрь ойига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлат хизматлари марказларининг янги бинолари кенг, ёруғ ва шинам бўлиб, хизмат залларида ташриф буюрувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Энг сўнги русумдаги замонавий ахборот техноло-

гиялари билан жиҳозланган. Шунингдек, замонавий архитектура дизайни асосида жиҳозланган марказ биноларига кирган муножаатчиларнинг фарзандлари учун ҳам болалар майдончаси, кутубхона ташкил этилган. Бундан ташқари, Президент Халқ қабулхонаси, тadbirkorларнинг муножаатларини қабул қилиш бўйича Бош вазир қабулхонаси, нотариус учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган. Банк шохчаси ҳам марказнинг ўзида ташкил этилганлиги фуқароларнинг зарур тўловларини шу ернинг ўзида амалга ошириш имконини беради.

Марказдан олисдаги янги филиаллар АҲОЛИГА БЕМИННАТ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Баҳодир МАҲМАТҚУЛОВ,
ДХА Қашқадарё вилояти
бошқармаси бошлиғи.

— Битта туман учун биргина марказ фаолият олиб бориши анча ноқулайлик туғдириши мумкин. Чунки ҳудуди катта туман аҳолиси зарур хизмат учун 20-30 километр йўл босиб келиши — ортиқча вақт ва маблағ харажати демакдир. Тўғри, давлат хизматларидан онлайн фойдаланувчилар учун масофа ҳеч гап эмас, лекин олис ҳудудларимизда онлайн хизматлар ҳали тўлиқ оммалашмаганлиги сабабли ҳам давлат хизматларидан бемалол фойдаланиш биров мушкул бўлмоқда. Бу каби шароитларни инобатга олган ҳолда олис ва чекка ҳудудларда

давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан сайёр тартибда хизмат кўрсатилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, туман марказларидан анча олисда жойлашган қишлоқлар ва маҳаллалардаги фуқароларимизга қулай хизматлар яшаш жойларига яқин бўлишини таъминлаш мақсадида марказларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, Қашқадарё вилоятида худди шундай филиалларнинг йигирматаси ўз иш фаолиятини давом эттирмоқда.

Ана шундай филиаллардан бири яқин кунларда иш бошлаган Қамаш туман

марказидан 40 километр узоқликда жойлашган “Қушқапа” филиали, Шахрисабз туман марказидан 55 километр узоқликда жойлашган “Хисорак” филиали, Китоб туман марказидан 35 километр узоқликда жойлашган “Варганза” ва Нишон туман марказидан 35 километр узоқликда жойлашган “Нуристон” филиаллари орқали ҳам тақдим этила бошлади. Умумий ҳисобда, ушбу филиаллар яқин атрофида жойлашган 35 та маҳаллада истиқомат қилувчи 125 минг аҳолига хизмат қилиши кўзда тутилган.

Бренд ўзлаштирувчиларнинг гувоҳномаси бекор қилинди

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ мулк агентлигида ўтказилган навбатдаги Апелляция кенгашида истеъмолчини чалғитиш даражасида махсулот қадокларини ўхшатиб ишлаб чиқариб, сотувга чиқарилган тиш пастаси товар белгисининг гувоҳномасини бекор қилиш юзасидан апелляция иши кўриб чиқилди.



“Colgate-Palmolive Company” компанияси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Апелляция кенгашига “Dentafill Plus” масъулияти чекланган жамияти номига расмийлаштирилган “DentaGUM” товар белгисига тегишли бўлган гувоҳномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан даъво аризаси киритган.

Мазкур даъво аризаси баҳс ва мунозараларга энг кўп сабаб бўлган апелляция иши бўлди. Бунда икки томон ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, ўзаро қарама-қарши фикрлар билдиришди.

Ҳақиқатан даъво аризасига назар солсак, унда “Dentafill Plus” МЧЖ тиш ювиш пастаси қадоклари, ранглар уйғунлиги ва элементлар жойлашуви истеъмолчини чалғитиш даражасида ўхшаш эканлигини кўриш мумкин.

Бу эса Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига биноан товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога тақлиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда саклаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш, деб эътироф этилади.


Аризада келтирилган талаблардан келиб чиқиб, Апелляция кенгаши даъвоини қаноатлантиришда ҳамда “Dentafill Plus” МЧЖ товар белгисига тегишли гувоҳномалар ҳақиқий эмас, деб топилди.

Савдо пештахталарида турган бу икки махсулот кўриниши жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш. Истеъмолчини чалғитиш даражасида ранглар уйғунлиги келтирилган. Махсулот тезгина ишимни битириб оламан-у, кетаман деган харидорни ташқи кўриниши билан чалғитиш қўйиши мумкин. Чунки истеъмолчи кўпроқ махсулотнинг қадонига эътибор қаратади. Машҳур брендга ўхшаш товар бўлса ҳам харид қилиб қўя қолади. Бу эса истеъмолчи манфаатларига зид ҳисобланади.

Адлия вазирлиги ҳузурдаги Апелляция кенгашининг икки тараф далилларини тинглаб, адолатли қарор чиқариши тадбиркорлар ўртасида ноҳақ рақобатга барҳам беришга, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Дилфуза ИСМОИЛОВА,
Интеллектуал мулк агентлиги етакчи
мутахассиси

2020 ЙИЛ 7 сентябрда Президентимизнинг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юретиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Бугунги кунда ерлардан оқилонга, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юретиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, иқтисодий соҳадаги кенг қўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юретиши, улардан оқилонга фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.



Ер назорати кимнинг “қўлига ўтди”?

Амалиёт шуну кўрсатмоқдаки, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юретиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг ягона оғранда тўпланганлиги, ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши соҳада манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда.

Шунинг учун ҳам Фармонга кўра, ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юретиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг бир қатор янги замонвий тизими кўрсатиб берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва дав-

лат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва аниқ экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жара-

ёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Эътиборли томони шундаки, Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси неғизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлиги ташкил этилиб, унинг тегишли соҳалар бўйича асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари куйидагича белгиланди.

Биринчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

- кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сийбсатининг амалга оширилишини таъминлаш;
- кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юретиш;
- кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш;

Фармон талабига кўра, куйидагилар кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларнинг, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳўқуқи, эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳўқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида муружаат этмаслигига айбдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги; кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида унинг кадастр йиғмажилди тайёрланиши ҳолатлари ҳам янгилик сифатида ўз ифодасини топди.

Мазкур Фармонга асосан, захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда — туман (шаҳар) қириш бўлимининг муружаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳўкимлигининг буюртмасига асосан тайёрланади, ушбу варажатлар ер участкасига бўлган ҳўқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қолланади; ер участкаларига бўлган ҳўқуқлар Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳўқуқи эгалларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон ҳўжаликлари, сув ҳўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳўдудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас

иккинчидан, геодезия ва картография соҳасида:

- геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сийбсатининг амалга оширилишини таъминлаш;
- аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингнинг амалга ошириш;
- давлат картография-геодезия кадастрини юретиш;
- давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

учинчидан, давлат кадастрларини юретиш соҳасида:

- давлат кадастрларини юретиш соҳасида ягона давлат сийбсатининг амалга оширилишини таъминлаш;
 - давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг давлат кадастрларини юретиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
 - Давлат кадастрлари ягона тизимини юретиш, ҳўдудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;
 - давлат кадастрларини юретиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;
- тўртинчидан**, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юретиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- бешинчидан**, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юретиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

мулкка бўлган ҳўқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансида сақловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаходатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланади; 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳўқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутуви қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳўжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириди; давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юретиш кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Эътиборли томони ҳам шундаки, Фармонга асосан, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

- ер тури, контури, чегараси ва ҳўқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилади;
- онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади;
- ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтери фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади;
- Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилади;
- тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилади.

Ушбу ҳўжат талабига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Қўрилиш вазирлиги билан бирга ер участкаларини ажратиш ҳақидаги қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳўқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳўжатларнинг 2021 йил якунига қадар Миллий геоахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлайди.


Фармонда кўрсатилганидек, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, сугориладиган ерларда тупроқ агрохимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Давлат бюджетидан назарда тутилган маблағлар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ажратилиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Юртимизнинг табиати, ер-сув бойликлари бетакдор бўлиб, ҳаёт кечиримишиз учун жуда ҳам бой экологик имкониятларга эгадир. Мазкур “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юретиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юретиш тизимининг бугунги кун талаби асосида ривожлантиришга қаратилганлиги ва уни замонвий ҳўқуқий асосини белгиланганлиги билан ўта аҳамиятлидир.

Жуманазар ХОЛМУЙИНОВ,
Термиз давлат университетининг юридик
факультети декани, юридик фанлар
доктори, профессор

Ажралыш — сўнги бекаат эмас...

ОИЛА — бахт кўрғони, фароғат остонаси, деган гапларнинг сийқаси чиқиб кетди. Бугун нимагадир бу баландпарвоз иборани ишлатгимиз, эшитгимиз ҳам келмай қолди. Негаки, оиланинг қадр-қиммати, муқаддаслиги анча пастга тушиб кетди, меҳр-оқибат, деган тушунчалар анча арзонлашди? Бахт остоналари нега тезгина вайронга айланиб қолди, нега инсон учун азиз бўлган туйғуларнинг баҳоси арзimas чакага тенг бўлиб бормоқда... Нега биз бахтни ҳимоя қилиш ўрнида ундан воз кечишни афзал кўраямиз? Нега чидам ва бардош томонда эмас, энгил ҳою ҳаваслар тарафдамиз? Одамлар нега бир-бирини аямай, эъзозламай яшашга кўникиб бормоқда? Ва бу бемехрлик, беқарорликлар ортидаги кўнгилсизликлар, гоҳида фожиялардан ҳам ҳулоса чиқаришни бил-мётганлигимиз жуда ачинарли.



ОЗОДЛИКДАН АЙИРГАН АЛИМЕНТ МОЖАРОСИ

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судида кўрилган алимент масаласидаги иш материалларида "...аёлга етказган моддий зарари учун", деган иборани ўқиб, бироз таажубландик. Тўғри, қонунда шундай норма бор. Бунга асло эътирозимиз йўқ. Бундан ташқари, Шарқона кадрятларимиз қаерда қолди? Уз умр йўлдоши (гарчи у сояқ бўлса ҳам)ни суд ҳукмига топшириш ва энг ачинарлиси арзимаган пул учун унга огирроқ жазо тайинлашларини қатъий талаб қилиш учун аёл зоти қанчалар тошбағир бўлиши керак!

Қонунларимизни менсимасдан фақат шаръий никоҳ асосида яшаган аёлнинг бундай қонуний талаблар қўйишга қанчалик ҳаққи бор?!

Қонуний никоҳдан ўтмаганларга шаръий никоҳ ўқимаслиги ҳақида имомларга қўйилган талабни инобатга оладиган бўлсак, балки шаръий никоҳ ҳам ўқилмагандир ёки хуфиёна никоҳ ўқувчи имомларимизнинг виждониға ҳаволамикан бу ёғи... Билмадик.

Журналист изоҳи: Суд залидан қамоққа олинган йўлдош — Мухтор Носировнинг бу ҳаётда омади юришмади. На тайинли оила, на тайинли иш, на тайинли бахтли ҳаёт унга наҳас этмади. Пешонаси шўр йўлдош омадсизликлари аламини ичкиликдан олиб, ўз ёшлигини барбод қилди. Суднинг қора курсисига қайта-қайта ўтиришга мажбур бўлди. Афёлар, кечирешлар, инсонпарварликлар ҳам унга сабоқ бера олмади. Охир-оқибат "тўққиз ой муддат давомида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, жабрланувчи М.Халиповга 3.945.600 сўм миқдорда моддий зарар етказганлиги учун" озоодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм ўқилиб, суд залидан қамоққа олинди. Хуқидда "Субланувчи М.Носировдан жабрланувчи М.Халипов

ва фойдасига 3.945.600 сўм ундирилсин" деган жумлалар ҳам бор. Темир панжара ортида бўлса ҳам, албатта, бу маблаг ундирилиши муқаррар.

Алимент учун барбод бўлган умр. Яна бир ачинарли факт: Навоий вилоят солиқни сақлаш бошқармаси вилоят наркология диспансерининг ҳулосасига кўра, М.Носиров 2019 йилдан буюн "Сурункали алкоғолизм 2-босқич, юқори толерантлик фониға доимий ичкиликбозлик формаси" ташхиси билан диспансер ҳисобида туриши ҳамда у сурункали алкоғолизм касаллигидан мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эканлиги қайд этилган.

Тоғни урса талқон қиладиган ёшда иродасизлиги учун омадсизман, дөб ҳамма нарсаға қўл силташдан ёмони йўқ. Аммо унинг ҳаёти издан чиқанлигини ҳеч ким эътиборға олмайди. На

маҳалла, на яқинлари на қариндошлари, на дўсту ошналар унинг тақдирини билан қизиқмайди. У бора-бора жарға тушди. Аввалида белгиланган алиментни тўлаб берганлиги-ю, кейинчалик тўлаш имкони йўқлиги учун маъмурий қамоқ жазосини ҳам ўтаб чиққанлиги, ҳеч қаерда ишламаслиги учун айна пайтда алиментни вақтинча тўлаб олмагани, агар ишга жойлашса, албатта, барча қарзларини тўлаб бериши ҳақидаги қартимослари, энгилроқ жазо тайинлашларини сўраб қилган илтижолари ҳеч кимни қизиқтирмади, чунки суд кўз ёшларға ишонмайди...

Қўли йўқ, оёғи йўқ айрим инсонлар яшаш учун куч топганда, бахтли бўлиш учун имкон излаганда М.Носиров қаблиларнинг қилмишини оқлаб бўлмайди, албатта.

БУГУН НЕГА ФАРМОН БИБИЛАР ЙЎҚ?

Кейинги вақтларда атрофимизда бўлаётган алимент билан боғлиқ воқеалар кўз олдимизда беихтиёр халқимиз севиб томоша қиладиган "Келинлар кўзгалони" кинофильмидаги мана бу саҳна кўринишини гавдалантириши табиий. Эсингиздами, фильмда ҳамма ўғиллар ва келинлар ойлик маошини олган кўни Фармон бибиға навбат билан топшириб, оила бюджети дафтарига ёздириб саҳнасида келинларнинг бири — Муҳайё билан бўлган диалог бор.

Фармон биби (Муҳайёдан пулни санаб оларкан) — Ҳа-аа, нега бунча кўп, — дея сўрайди.

Муҳайё эса: — Яна алимент юборибди. Мана шу пулга боламға велосипед олмоқчи эдим... — дея жавоб беради.

Фармон биби эса: — Алиментини қайтариб юбор. Сенға неча марта айтганман. Бир чақа ҳам олма у аблаҳдан деб. Болани ўзимиз боқиб олдимки, велосипедини ҳам ўзимиз олиб бераримиз. Ма, мана бу пулни почта орқали жўнатиб, қвтанчасини дарров ўзимға топшир, — дейди. Бу саҳна кўринишида милли-

тимизнинг ҳар қандай пул, бойликдан устун турадиган кучли ори ва гурури акс этганлигини кўриш мумкин.

Ҳозир-чи... ҳозир нега Фармон бибилар йўқ. Уни ҳозирги алимент моҷаролари билан солиштирадиган бўлсак, миллиатимизнинг орият, деган тушунчалардан анча узоқлашганини кўриш қанчалар ачинарли.

Бу билан ажралган аёллар боласи учун алимент олмасин, демоқчи эмасмиз. Аммо баъзи аёлларнинг бунчалик паст кетишини тўғриси, ҳазм қилиш қўйин. Қадимда момоларимиз бир этак боласи билан ҳам сарик чакаға таъма қилмасдан ўғил-қизларини боқиб, катта қилган, ўқитган, яхши инсонлар қаторига қўшган-ку.

САБР ВА БАРДОШЛАР ҚАНИ?

Исплом никоҳ робитасини инсоний алоқалар ичидаги энг муқаддас робитаға айлантирган. Чунки бу робита Аллоҳ таолонинг амри ила, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаламининг суннатлари ила, мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлиги ила қуриладиган муқаддас бир риштадир.

Аммо қани шу муқаддас риштанинг ҳақи-ҳурмати, қани бу ҳаёт синовларидан сабр ва бардош билан ўтишнинг саодати, фароғати?!

Шаръий никоҳ қонуний кучға эға эмаслиги учун оилавий ажримларға монелик камлигини ҳам тан олиш керак. Оила масъулияти йўқолган жамятда тарбияға пугур этиши ўз-ўзидан аён.

Кимларнингдир оила қуриб, бор-йўғи икки йил, бир йил, ҳатто олти ой яшаб ҳам ажралиб кетатганлиги оила муқаддас, деган тушунчалар энди хом-хаёлим, деган хавотирларни келтириб чиқармоқда.

Аваллари оилавий ажрим эмас, ҳатто турмушға чиққан қизнинг ота-онаси уйига аразлаб келиши ҳам уят саналган. Бугун-чи? Афсуски...

Бош қомусимизда "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигиға асосланади" дейилган. Тўғри, никоҳ ихтиёрий бўлиши мумкин, аммо уни кўнгилға келган вақтда бузиш, барбод қилиш асло ихтиёрий бўлмаслиги керак. Никоҳ муқаддас, деган муқаддас ибораға хиёнат қилмайлик. Ҳеч бўлмаса, жондан азиз фарзандларимизнинг кўнглини ўқситмайлик.

Ота-она меҳри оғушида яшаш бахтидан уларни мосуво этмайлик. Ахир ҳеч нарса фарзандининг бир дақиқалик қувончига тенг келолмайди.

Авалло, ҳаётнинг турли имтиҳонларидан ўтишға тайёр бўлмаган йигитми, қизми ким бўлишидан қатъи назар, оила деган остонаға қадам қўйишдан олдин пухта ўйлаб кўрсин. Тақдир кимға нимани раво кўради, пешонада ёзилгани шу дея таваққал қилиш ўрниға қизларни ҳам, йигитларни ҳам турмушға тайёрлаш керак. Турмушға тайёрлаш учун хўжақўрсинға дорилфунуну мактаблар очдик, курслар ишляпти, деган ҳисобларнинг самарасиз эканлигини тан олиш вақти келмадимми? Бу саволларға мутасаддилар жавоб берса ёмон бўлмасди.

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ БИЗДА ҚАЧОН ИШЛАЙДИ?

Оилавий масалада шунча муаммолар борлигиға қарамадан нима учун бизда медиация институти ҳалигача оилавий низоларда қўлланилмаяпти? Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонуни муомалаға медиацияға оид янги тушунчаларни олиб кириш би-

лан бирға жамят ҳаётининг яна бир соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибға солишға қаратилганлигидан нега кўпчилик беҳабар? Тўғри, айна пайтда Ўзбекистон низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули, медиациядан фойдаланишнинг дастлабки босқичларини ўтамоқда. Аммо қонуни ҳаётта татбиқ этиш учун яна қанча вақт керак?!

Мазкур янги институтдан оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишға қўлланилса, фойдадан холи бўлмасди.

Ҳозирги кўнда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низоли судға олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишға қаратилган медиация — яраштирув процедураси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хулоса шуки, бахтни бахтсизликка айлантирмаслик ҳар кимнинг ўз қўлида. Бир-биримиздан меҳр-шафқатни, яхшилиқни дариг тутмайлик. Ажралыш сўнги бекаат эмас, шуни унутман!

Шерзод МАМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Навоий шаҳар суди раиси
Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОН

Икромов Умидхўжа Мўмин ўғлиға Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2014 йилда берилган №К-3515339 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси тахририятнинг Бош муҳаррир ўринбосари Ёрбек Искандаровға онаси **Ойсулв ИСКАНДАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjuz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатта олинган

ISSN 2010-7877

9772610781008

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Аҳбар Журабоевич

Рабиёв Шерзод Миржалилович

Тожиёв Фурқат Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўлемсиз тахрир қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.

Навбатчи
Дилфуза Эргашева

Саҳифачовчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иқоидий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4780
Буюртма — V-4328

Топшириш вақти — 19:00
Топшириғди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

АДВОКАТ — бу осон касб эмаслигини барчамиз яхши англаймиз. Бунда ҳуқуқшуносликни мукамал билиши билан бирга, адвокат аудиторияни ўзининг ҳақ эканига ишонтириши учун мантқиқий фикрлаши, шунингдек, жамоат олдида нутқ сўзлаши ўта муҳимдир. Дунёдаги энг таниқли ҳуқуқшунослар орасида ўзларининг зукколиги, матонати ва истеъдоди туйғайли муваффақият қозонган мутахассисларнинг ҳаёт ва фаолияти шубҳасиз-ки, кўпчиликка қизиқ.



Машаққатли касбнинг машҳур одамлари

ФАМИЛИЯСИ ПРОФЕССИОНАЛ ЮРИСТНИНГ МАҚОМИГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН



Фёдор Никифорович инқилобгача бўлган даврда Россиянинг истеъдодли ҳуқуқшуноси ва ёрқин нотиги сифатида танилган. Унинг чиқишлари пайтида нутқларини тинглаш учун шунчалик кўп одамлар тўпланарди-ки, ҳатто суд залларида бўш жойнинг ўзи бўлмасди. У шунчалик машҳур эдики, унинг фамилияси энг юқори даража профессионалликдаги юристларнинг мақomini кўрсатиб, исмига айланди. Унинг суд залидаги нутқлари тўпламлари ҳанузгача юридик мактабларда урганилмоқда.

Фёдорнинг нутқларидаги баёнотнинг асоси эса мантқиқий мазмуни ва Муқаддас битикларга тез-тез мурожаат

қилишлари билан ажралиб турарди. У иш фаолиятидаги рақиблининг сўзларига тезкор муносабат билдириб, топқирлик ва зукколик каби хислатлари билан ажралиб турар эди.

Фёдор Плевако турли хил ижтимоий мавқега эга мижозлар билан иш олиб борган. Жумладан, деҳқонлар, ишчилар, дворянлар, талабалар билан ишлаган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керак-ки, бу истеъдодли адвокат кўпгина нутқларини "Жаноблар, бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин эди", деган ибора билан бошлагани манбалардан маълум.

Плавеконинг ёзувчилик истеъдоди ҳам бор эди. У "Богдан Побережный" тахаллуси билан турли нашрларда ўзининг рисоаларини чоп эттирган, адвокат ўз даврининг кўлаб буюк одамлари билан ҳам таниш эди. Жумладан, Михаил Врубел, Константин Коровин, Василий Суриков, Фёдор Шалаяпин, Константин Станиславский.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШГАН ЖАСОРАТ СОҲИБАСИ

Глория Аллред кўплаб ҳамкасблари томонидан Америкадаги энг яхши адвокат сифатида тан олинган. У кўплаб шов-шувли ва мунозарали ишларни кўриб чиқиш билан машҳур. Айниқса, аёллар ҳуқуқлари учун курашиб, жинсий зўравонлик қурбонларини химоя қилган.

Шунингдек, кўпинча машҳур юлдузларга (Арнольд Шварцнегер, Майкл Жексон, Дональд Трамп ва бошқалар)га қарши суд даъволари билан мурожаат қиладиган мижозларнинг вакили сифатида иш олиб борган.

Аллред кўпинча матбуотда жамоат ҳаётини олиб борадиган ишларнинг тафсилотларини ёритган. Ушбу ажойиб адвокат аёл ўзининг тарғиботидан ташқари, 6 йил мактабда дарс берган, шунингдек, бир неча йил давомида Жанубий Калифорния университетиде маърузалар қилган.



15 ТА СУДНИНГ 13 ТАСИДА ГАЛАБА ҚОЗОНГАН



Алан Гарварддаги энг ёш ҳуқуқшунос профессор ҳисобланиб, 28 ёшида илмий даражага эга бўлди. Адвокат 15 та суд жараёнининг 13 тасида галаба қозониб, қўтиллик буйича апелляцияларга алоқадорлиги билан машҳур эди. Улар орасида энг танилгани, рафиқаси Никол ва унинг дўсти Рон Голдманнинг ўлимида айбланган америкалик футболчи О.Жей Симпсонга қарши суд жараёни эди. Бу Аланнинг Америкадаги биринчи суд жараёни ҳисобланиб, телевидение орқали намойиш этилди.

Судда дастлаб, барча далиллар О.Жейнинг фойдасига кўрсатилаётган эди, аммо Алан, шу қаторда адвокатлар ҳам оқловга эришдилар. Бундан ташқари, яна таниқли суд жараёни — Клаус фон Бюлонинг иши, шунингдек, унинг оиласи миллионлаб капитал меросхўри бўлган хотинини ўлдирган айбланган. Ушбу иш асосида Алан Дершовитс "Тақдир бурмаси" китобини ёзди ва кейинчалик суратга ҳам олинди.

Ўзининг интервьуларидан бирида адвокат ўз ишида у қоидага қатъий риоя қилишни айтиди. Суҳбатларидан бирида ҳўкумат, матбуот, полиция ва ўзи (мижоз) мижози ҳақида айтаётган нарсаларга ишонмасликни, чунки уларнинг ҳаммаси ёлгон гапиришлари мумкинлигини таъкидлаган.

БИР ЯРИМ МИЛЛИОН АРМАНЛИКЛАРГА СУҒУРТА ПУЛИНИ ОЛИБ БЕРГАН

Герасос Марк таниқли америкалик адвокат. Машҳур шахслар билан боғлиқ шов-шувли ишларда қатнашган ва 100 та ишдан 98 тасида ғолиб чиққан. Иш фаолияти давомида ўзининг "Герасос&Герасос" юридик фирмасига асос солган!

Маркнинг муваффақият қозонишига ёрдам берган тингловлардан бири, фирибгарликда айбланган Билл Клинтоннинг собиқ ёрдамчиси Сюзан Макдугал устидан суд жараёни эди. Ҳеч ким оқлаш мумкинлигига ишонмаган, аммо ёш Марк суд қарорини ўз мижозининг фойдасига ўзгартиришга муваффақ бўлган. Герасос, шунингдек, ёш болаларни таҳрирлашда гумон қилинган марҳум Майкл Жексонни химоя қилишда катта ҳисса қўшган. Машҳур мусиқачидан ташқари, бир қатор таниқли арбоблар Герасос хизматларига мурожаат қилишган. Хусусан, кичик Роберт Дауни (у гиёҳванд моддалар савдосида айбланган), Уинона Райдер (заргарлик буюмларини ўғирлашда гумон қилинган), Рожер Клинтон (маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган), Крис Браун (рафиқасини калтаклаганликда айбланган).


Марк машҳур одамларга тегишли ишлардан ташқари, келиб чиқиши арман бўлганлиги сабабли ҳам арман диаспораси ишларига катта эътибор бергани ва бир қатор ташкилотларда унинг расмий вакили бўлганлиги билан ҳам машҳурдир.

Марк Герасос Нью-Йорк ҳаёт суғуртасига қарши суд мажлисида 1915 йилда геноцид пайтида жабр кўрган бир ярим миллион арманга тоовон пули тўлаш буйича адвокат сифатида қатнашди. Герасос судда ёрқин галабани кўлга киритиб, суд компанияни 20 миллион доллар миқдорда суғурта муқофотини тўлашга мажбур қилди.

Рус тилидан
Гулҳаё НУРМЕТОВА таржимаси.



МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТНИ "ЎТКАЗИШГА" УЯЛМАДИНГИЗМИ?



ЯҚИНДА Чилонзор туманининг "Чилонзор" кўчасида жойлашган минимаркетга кирдим. У ердан болаларим учун бир донга қадоқланган "ХРУСТО" бренди остида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, қуритилган, тузли "сухарик" сотиб олдим. Уйга келиб очсам, хидига чидаб бўлмади. Сабаби, яроқлилик муддати тугаганига аллақачон 4 ой булган экан. Шундан сўнг маҳсулотни минимаркетга олиб бориб, сотувчига ҳолатни тушунтирдим. У олдинига совуққонлик билан "бунақа маҳсулот менда йўқ, балки кўчанинг нариги бетидаги дўкондан сотиб олгандирсиз?" деди. Ёлгон гапираётганлиги етмагандай, "Бор-йўғи бир ярим минг сўмлик нарса учун қайтиб келдингизми?", дегандай юзимга масхараомуз тиржайиб тикилди. Сотувчининг бефарқ муомаласидан хунобим ошди. Камига бу ҳолатни сотувчи одатий ҳолдек қабул қилди-да "Нима бўпти, орада бир-иккита аралашиб кетади", деди. "Ахир ана шу арзимга бир ярим минг сўмлик маҳсулотни ёш болалар ёки ҳомилидор аёллар истеъмол қилса-чи?". Бу саволни унга беришни эп кўрмадим.

Мазкур ҳолатдан дилим хира бўлиб бошқа бир дўконга кирдим. У ердан "помидор шарбати борми?", деб сўрадим. Сотувчи ташқи кўринишидан талабга жавоб бермайдиган, чанг босиб ётган маҳсулотни олдимга қўйди. Мен доимидек ишлаб чиқарилган санасига эътибор қаратдим. Унинг ҳам муддати уч ойдан ошган, راستада туравериш ранги униқиб кетган эди.

— Нега муддати ўтган маҳсулот сотаясиз?, — десам, сотувчи "ҳали сизга буни сотганим йўқ", деб кўпол муомала қилди.

— Ахир, мен бу маҳсулотларни ҳар бирини кўриб чиқишим учун бир кун вақтим кетади. Олдин сиз дўконда ишлаб кўринг, кейин ақл ўргатасиз, — деди у худди мен айбдордек. Хуллас, синчков харидорлигим сабабли иккита дўкон сотувчисидан дакки едим.

Тегишли қонун ҳужжатларига кўра, истеъмолчиға нуқсонли товар сотилган тақдирда истеъмолчи ўз хоҳишига кўра, қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- товарни шундай маркали товарга алмаштириб олиш;
- товарни бошқа маркали (моделли) товарга алмаштириб, нархини қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- нуқсонларни бепул бартараф этишни ёки харажатларни қоплашни талаб қилиш;
- нархни камайтиришни талаб қилиш;
- шартномани бекор қилиш ва қўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

Бошқа расталарда ҳам ана шундай муддати ўтган маҳсулотлар йўқлигига ким қафолат бера олади! Ҳар бир харидор маҳсулотни сотиб олаётганда муддатиға эътибор қаратмаслиги мумкин, аммо бу дўкон эгаларининг вазифасига қиради-ку! Шу ўринда сотувчиларимиздан дўкон пештахталаридаги маҳсулотнинг муддатиға эътиборли бўлишларини сўраймиз.

Сизчи? Сиз ҳам харид қилаётган маҳсулотингизнинг яроқлилик муддатиға қарайсизми? Бунга беъэтибор бўлманг! Ахир, бу Сизнинг ва оила аъзоларингизнинг соғлиги учун жуда муҳим.

Латофат ЮСУБОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири